

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.FM.02.04 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

КАСИМОВА ГУЗАЛ КАРИМОВНА

**РИБОФЛАВИН ВА ТАРТРАЗИН МОЛЕКУЛАЛАРИНИНГ ЎЗ-ЎЗИ
БИЛАН ЙИҒИЛИШ СПЕКТРОСКОПИЯСИ**

01.04.05 – Оптика

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро - 2021

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертацияси автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации
доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on physical
mathematical sciences**

Касимова Гузал Каримовна

Рибофлавин ва тартазин молекулаларининг ўз-ўзи билан йиғилиш
спектроскопияси..... 3

Касимова Гузал Каримовна

Спектроскопия самосборки молекул рибофлавина и тартазина 23

Kasimova Guzal Karimovna

Self-Assembly spectroscopy of Riboflavin and tartrazine molecules 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 45

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖА БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2019.FM.02.04 РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

БУХОРО МУҲАНДИСЛИК-ТЕХНОЛОГИЯ ИНСТИТУТИ

КАСИМОВА ГУЗАЛ КАРИМОВНА

**РИБОФЛАВИН ВА ТАРТРАЗИН МОЛЕКУЛАЛАРИНИНГ ЎЗ-ЎЗИ
БИЛАН ЙИҒИЛИШ СПЕКТРОСКОПИЯСИ**

01.04.05 – Оптика

**Физика-математика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Бухоро - 2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.2.PhD/FM358 B2021.1.PhD /FM358 B2021.3.PhD /FM358 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро муҳандислик-технология институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.samdu.uz) ва «ZiyoNet» ахборот таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Астанов Солих Хусенович**
физика-математика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Муродов Гуломхон**
физика-математика фанлари номзоди, доцент

Раҳматуллаев Илёс Арзимуродович
физика-математика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Қарши давлат университети**

Диссертация химояси Самарқанд давлат университети ҳузуридаги PhD.03/30.12.2019.FM.02.04 рақамли Илмий кенгашнинг «__» ____ 2021 йил соат __ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони кўчаси, 15 уй.Тел.:(+99866) 239-17-14, 239-11-40; факс: (+99866) 239-11-40, e-mail: devonxona@samdu.uz Самарқанд давлат университети, Физика факультети, 1-қават, 63-хона).

Диссертация билан Самарқанд давлат университетининг Ахборот ресурс марказида танишиш мумкин (№__ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони кўчаси, 15 уй.Тел.:(+99866) 239-17-14, 239-11-40; факс: (+99866) 239-11-40.

Диссертация автореферати 2021 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2021 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.Х.Ашуров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
ф.-м.ф.д., академик

Р.М.Ражабов

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
ф.-м.ф.н., доцент

Д.И.Семенов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
ҳузуридаги Илмий семинар раиси,
ф.-м.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнгги йилларда жаҳонда олиб борилаётган тадқиқотлар келгусида микрозарра-чаларнинг олиниши кўзда тутилган ўз-ўзи билан йиғиладиган молекулаларнинг шаклланиш шароитларини аниқлашга қаратилгандир. Ўтказилган экспериментал ва назарий ҳисоблашлар асосида молекулалараро ўзаро таъсирнинг ўрганилиши ярим ўтказгичнинг органик бўёқ билан гибрид микроструктураларини олишга ёрдам берди. Молекуляр спектроскопия усули билан ўтказиладиган тадқиқотлар танқис бўлган янги фотосинтетик пигментларни олиш имконини беради. В₂ витамини асосида янги доривор шаклларнинг яратилиши ўз-ўзи билан йиғилган рибофлавин ва тартразин молекулаларнинг спектроскопик тадқиқоти бўйича кейинги изланишларнинг ўтказилишини талаб қилади.

Дунёда ўтказилаётган кўп сонли тадқиқотларнинг натижалари шундан далолат берадики, Ван-дер-Ваальс кучлари ва водород боғланиш кўринишида намоён бўлувчи бирлашган молекулалар орасида вужудга келадиган молекулалараро ўзаро таъсирлар табиатда ва кўпчилик биокимёвий жараёнларда кенг тарқалгандир. Бундай тадқиқотларнинг ўтказилиши ўз-ўзидан йиғилган заррачалар структураси спектрларининг спектрал-оптик хоссалари орасидаги боғлиқликни аниқлашга имкон беради. Мазкур тадқиқот усуллари оптик электрон ўтишларнинг нозик тафсилотларини аниқлаш бўйича юқори сезгирликка эга бўлади. Эритмаларда, ассоцияланиш даражасига боғлиқ ҳолда, турли структураларни шакллантиришда ва ўз-ўзи билан йиғилган заррачаларнинг микроскопик тасвирларини олишда уларнинг қўлланилиши долзарб бўлиб қолмоқда.

Мамлакатимизда бинар эритмаларда молекулаларнинг ўз-ўзидан йиғилиши натижасида ҳалқасимон кўринишда бирлашадиган микрозарра-чалар олинадиган тадқиқотларга катта эътибор қаратилмоқда. Шунингдек, скварин ва бошқа бўёвчи моддалар молекулаларининг ўз-ўзидан йиғилиши бўйича илмий изланишлар ҳам долзарбдир. Ўзбекистон Республикасида илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепциясида¹ кўзда тутилган фундаментал вазифаларни ечишга бағишланган тадқиқотлар муҳим бўлиб, улар мамлакатимизда фан ва техникани муваффақиятли ривожлантириш учун катта аҳамиятга эга. Илмий тадқиқотлар асосида олинган натижалар кимёвий-физика, биологик тиббиёт учун янги материалларни ишлаб чиқишга ёрдам беради.

Ушбу диссертация иши муайян даражада Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 17 февралдаги ПҚ-2789-сон “Фанлар академияси фаолияти, илмий-тадқиқот ишларини ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштиришни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, 2019 йил 8 октябрдаги ПФ-5847-сон “Ўзбекистон Республикаси

¹ Илм-фанни 2030 йилгача ривожлантириш концепцияси // Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.10.2020 й. ПФ-6097-сон Фармони, №1 Илова, 3.2 б.

олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги фармони ва 2021 йил 19 мартдаги ПҚ-5032-сон “Физика соҳасидаги таълим сифатини ошириш ва илмий тадқиқотларни ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорлари, шунингдек мазкур соҳада қабул қилинган бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда назарда тутилган вазифаларни бажаришга хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Диссертация Республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. «Физика, астрономия, энергетика ва машинасозлик» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Охирги йилларда чет эллик тадқиқотчилар: К.С.Когелов, В.И.Родулгин, М.В.Алфимов, П.В.Лебедев-Степанов (РФА), В.А.Блатов, Г.Д.Илюшин (Самара институти) лар томонидан молекулаларнинг ўз-ўзи билан йиғилишининг назарий жиҳатлари ишлаб чиқилган ва экспериментал натижалар олинган. Россия Фанлар Академиясининг физика ва кимё институти олимлари Л.М.Николенко, С.В.Бричкин ва бошқалар томонидан цианин бўёғининг J-агрегатлари билан яримўтказгичнинг ўз-ўзидан йиғилган гибрид наноструктуралари ўрганилди ва натижада яримўтказгич электр ўтказувчанлигининг ортиши кузатилган. Хитой олимлари томонидан J.X.Chen, L.Liu, R.Liu, C.Zhang, Z.Hu олинган ўз-ўзи билан йиғилган пептидлар иммун тизимини яхшилаш ва нанотрубкалар кўринишидаги дориларни етказиб бериш учун фойдаланилган.

Белоруссия ва Украина фанлар академияси физика институти олимлари Г.П.Гуринович, А.А.Ищенко томонидан хлорофиллар ва парфиринли, шунингдек, полиметин бўёқлари молекулаларининг ўз-ўзи билан агрегатланиши ва уларни барқарорлаш услублари аниқланган. Эрен Айтекин раҳбарлигида Анқаралик бир гуруҳ олимлар томонидан кўзнинг мугуз пардасини транспортда ташиш учун фойдаланиладиган туз комплекси олинган.

Покистон олимлари Муҳаммад Шероз, Иқбол Аҳмад ва бошқалар томонидан рибофлавин молекулаларининг ҳосил бўлиши ва барқарорлашуви жараёни комплекси ўрганилмоқда, унинг асосида эса ҳар хил медицина препаратлари олинмоқда.

Шуни таъкидлаш лозимки, бу соҳанинг ривожланишига ўзбек олимларидан А.А.Қаххоров, С.А.Бахрамовлар (C₆₀) флуорен молекулаларининг этанол+бензол бинар эритувчисида ўз-ўзи билан бирикишини спектроскопик тадқиқотлари ўтказилган. Самарқандлик ва Бухоролик олимлар Н.Н.Низомов, Э.Н.Курталиев, Л.М.Собиров, Д.И.Семенов, А.Жумабаев ва С.Х.Астановлар томонидан органик, озик-овқат бўёқлари, ароматик бирикмалар ва баъзи бир эритувчиларнинг уюшмаси ҳосил бўлиш жараёни ўрганилган.

Ўтказилган адабиётлар шарҳидан келиб чиқадики, бирлашган заррачаларнинг ўз-ўзи билан йиғилиши ва фотобарқарорлик жараёни молекулаларнинг уюшганлик (ассоциация) даражасига боғлиқлиги етарли даражада ўрганилмаган.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий–тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги.

Диссертация Бухоро муҳандислик - технология институти илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ: ЁФ-2-1-рақамли “Ориентациявий ўзаро таъсирни инобатга олган ҳолда феррит-гранатлардаги фазавий ўтишлар ва магнитооптик хусусиятларини тадқиқ этиш” (2016-2017 йй.), ОТ-А4-07-рақамли “Янги экспортбоп маҳсулотлар олиш билан полиз экинларини қайта ишлаш ресурстежамкор технологияларини ишлаб чиқиш” (2017-2018 йй.) ва ОТ-Ф2-64-рақамли “Конденциялашган ва нано ўлчаш тизимларида флукутацион ва параметрик пайдо бўлишлар (ҳодисалар)” (2017-2020 йй.) мавзуларидаги амалий ва фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади. Спектрал-оптик, микроскопик тадқиқотлар асосида ўз-ўзи билан йиғилган молекулаларнинг вужудга келишида фойдаланиладиган эритувчиларнинг табиатига, концентрациясига ва ҳароратига боғлиқ ҳолда ҳосил бўлиш шароитини аниқлаш, ўз-ўзи билан йиғилган молекулаларнинг шаклланиши ва тузилишини ўрганиш, ҳосил бўлган заррачаларнинг структураси ва геометрик параметрларини аниқлаш билан бирга рибофлавин молекуласининг фотобарқарорлигини ошириш услубини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

рибофлавин ва тартразин молекулаларининг концентрациясига ва фойдаланилаётган эритувчиларнинг табиатига боғлиқ ҳолда ўз-ўзи билан йиғилиш жараёнининг шаклланиш шартларини аниқлаш;

витамин препаратлари ва озик-овқат бўёқ молекулаларининг эритувчиларда ўз-ўзи билан йиғилиш жараёнида намоён бўладиган молекулалараро ўзаро таъсир табиатини спектрал - оптик ва квант-кимёвий ҳисоблашлар ёрдамида ўрганиш;

сувли эритмадаги рибофлавин молекуласининг фотобарқарорлигини молекулалар ассоциация даражасига боғлиқлигини ўрганиш ва гипохром эффект табиатини аниқлаш;

ўз-ўзи билан йиғилган заррачалар тузилишини микроскопик тасвирларини олиш ва эритмалардаги ассоциатлар даражасига қараб уларнинг геометрик параметрларини аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида тартразин, рибофлавин ва унинг фотолиз маҳсулотлари танланган. Эритувчилар сифатида дистилланган сув, хлороформ, диоксан, диметильсульфоксид, ацетон, этанол ва изобутанолдан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида тадқиқ қилинаётган бирикмаларнинг концентрациясига, ёруғлик ва ҳарорат таъсирларига,

эритувчиларнинг табиатига боғлиқ ҳолда спектрал-люминесцент тавсифларининг ўзгаришини ўрганиш ва молекулаларнинг ўз-ўзи билан йиғилиш жараёнидаги молекулалараро таъсирнинг табиатини аниқлашдир.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда молекуляр спектроскопия усули, ўз-ўзи билан йиғиладиган молекулалар тузилишини микроскопик тасвирлари ва яримэмпирик методи кванто-кимёвий ҳисоблаш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

рибофлавин учун молекуланинг ўз-ўзи билан йиғилиши В₂ витаминнинг биринчи молекуласидаги флавон қисми витаминнинг иккинчи молекуласидаги рибитол қисмига ориентацияси орқали амалга ошиши, водород боғлар воситасида бирлашганда, игнасимон заррачалар шаклланганлиги аниқланган;

рибофлавин ва тартразиннинг ўз-ўзи билан йиғилган молекулаларига тегишли бўлган мос равишда олтига ва иккита яширин ютилиш полосалари мавжудлиги, шунингдек рибофлавин молекулаларининг фотобарқарорлиги эритманинг ассоциация даражасига чизиқли боғланишга эга эканлиги исботланган;

рибофлавин ва тартразиннинг ўз-ўзи билан йиғилган молекулалар структурасидаги игнасимон заррачалар геометрик параметрларини эритмадаги ассоциация даражасига боғлиқлиги ва бу заррачаларнинг умумий кўриниши концентрик ҳалқа ёки эллипсоид шаклда намоён бўлиши аниқланган;

яримэмпирик ҳисоблашлар натижаларига асосан рибофлавин ва тартразин атомларида заряднинг қайта тақсимланишида уларнинг дипол моменти қийматининг ортиши молекулалараро дипол-дипол таъсирнинг вужудга келиши аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижаси қуйидагилардан иборат:

Рибофлавин ва озиқ-овқат бўёқларининг паспорт хусусиятлари бўлган коллоид эритмасидан димерлар, мураккаб агрегатлар ва ўз-ўзидан танланган молекулаларнинг спектрал-оптик хусусиятларини ўрганиш фармацевтикада витамин препаратига асосланган дори-дармонларни яратиш, шунингдек, ушбу йўналишда олиб борилган клиник тадқиқотлар олиб бориш имконини беради.

Витамин препаратининг концентрацияланган сувли ва спирт эритмаларида фотобарқарорлигининг ошиши В₂ витамини асосида янги дори препаратларини яратиш учун фойдаланилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотларнинг ҳозирги замон стандарт қурилмаларда ўтказилиши, экспериментал натижаларнинг назарий яримэмперик квант-кимёвий ҳисоблашлар билан мутаносиблиги, ҳар хил услублар билан олинган натижаларнинг ўзаро мослиги ва электрон спектрларда кузатилган деформацияларнинг назарий талқинларига бошқа муаллифларнинг бошқа бирикмалар учун олган натижалари билан

мувофиқлиги ва илмий адабиётларда келтирилган маълумотларга зид келмаслиги билан тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти рибофлавин ва тартразин эритмаларида юзага келадиган молекулалараро ўзаро таъсирлар ҳақидаги билимларни чуқурлаштиришдан иборат ва уларни конденсирланган муҳитда молекуляр спектроскопия назариясини ишлаб чиқишда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундаки, рибофлавиннинг концентрациялашган сувли эритмалари пастил кўринишидаги озиқ-овқат маҳсулотларини барқарорлаштирувчи модда сифатида фойдаланилган.

Илмий изланишлар натижасида янги метод ишлаб чиқилди, бунга кўра рибофлавин кукуни ва дистилланган сувни алоҳида-алоҳида стерилизация қилинса, ҳамда улар асептик қўшилиши натижасида кўз томчиси ҳосил қилинди. Стерилизациянинг янги методикаси ёрдамида 10 кишидан иборат кўз касалликларига эга бўлган кишиларга синаб кўрилди ва бу методикани синаш натижасида даволаниш вақти 20-25% га камайганлиги кузатилган.

Тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши. Рибофлавин ва тартразин молекулаларининг ўз-ўзи билан йиғилиш спектроскопияси буйича олинган натижалар асосида:

ҳароратнинг ва эритилган модданинг концентрацияси ва эритувчининг табиати ўзгарганда рибофлавин ва тартразин эритмаларининг спектрал-люминисцент тавсифларининг ўзгариш қонуниятлари, рибофлавин ва тартразин молекулаларининг ўз-ўзи билан йиғилиш усулларини идентификация қилиш натижалари ОТ-Ф2-30-«Фотоника комплексов органических красителей с биологическими объектами и наночастицами металлов» (Самарқанд давлат университетининг 2020 йил 04 октябрдаги 10-3951-сон маълумотномаси) мавзусидаги фундаментал тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган. Илмий натижаларнинг қўлланилиши родамин ва стирилцианин бўёқларининг сув эритмасидан сув-этанол, сув-диметилформамид ва сув-диоксан эритмаларига ўтишда ютилиш спектрлари ва флуоресценциясининг физикавий хусусиятларини таҳлил қилиш, шунингдек, бўёқлар–протеин комплексларини аниқлаш имконини берган.

молекулаларнинг ўз-ўзи билан йиғилиш жараёнида вужудга келадиган структуранинг ўзгариши, ассоциация даражасига боғлиқ бўлган натижалар, иккиламчи хом ашё сув-сутли фаза билан ёғ фазасининг ўзаро бирлашишида вужудга келадиган бир жинсли масса ҳосил қилиш ва бу массанинг стабиллик вақтини ошириш мақсадида боғловчи модда сифатида ўз-ўзи билан йиғилган рибофлавиннинг сувли эритмасида олинган натижалар ОТ-А9-5 рақамли “Донни қайта ишлашнинг иккиламчи хом ашёсидан фойдаланиб функционал озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқаришнинг ресурстежамкор технологияси асосида янги ишланмалар яратиш” мавзусидаги амалий тадқиқот лойиҳасида фойдаланилган (Бухоро

мухандислик технология институтининг 2021 йил 25 августдаги 87-10/1770-сон маълумотномаси). Тадқиқотлар натижасида технологик режимда донни қайта ишлашнинг иккиламчи хом ашёсидан фойдаланиб, эмульсион ёғ маҳсулотларининг биологик фаоллигини оширишда, дон муртаги қўшилган ёғ-унли композитларнинг сақлаш муддатини узайтириш ҳамда тайёр маҳсулотнинг табиий рангдорлигини сақлаш мақсадида рибофлавин ва тартразиннинг сувли эритмасидан фойдаланиш имконини берган.

рибофлавин ва тартразиннинг сувли эритмасида ассоциатларнинг яширинган ютилиш полосалари аниқланган ва улар флавор, антациан таркибида картоноид бўлган мева пастиллатлари кўринишидаги озиқ-овқат маҳсулотлари учун барқарор шароит яратиш учун фойдаланилган (ТИ-201122919-09-2020 26.09.2020 дан Техникавий инструкция). Илмий натижаларнинг қўлланилиши рибофлавин ассоциатининг паспорт тавсифлари фармацевтикада В₂ витамини асосида дори препаратлари яратиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг асосий татбиқи олинган натижаларга, Web of Science ва Scopus илмий маълумотлар базасига кўра, юқори импакт факторли журналларда чоп этилган 50 дан ортиқ экспериментал ва моделлаштириш тадқиқотларида, шунингдек мақолаларда шарҳ иқтибос келтириш орқали жорий қилинган:

1. G.K.Kasimova, S.Kh.Astanov, E.N.Kurtaliev, N.N.Nizomov. Structure of self-assembled riboflavin molecules in solutions. Journal of molecular structure. 1185.2019. p.107-111 мақолага 2 та чет эл илмий журналларига ҳаволалар: 1) C.Char, C.Padilla, V.Campos, M.Peczynska, P.D.Calderón, J.Enrione. Characterization and Testing of a Novel Sprayable Crosslinked Edible Coating Based on Salmon Gelatin, Coatings 2019, 9(10), 595 P.1-17; 2) V.Vendramin, S.Primerano, G.Leserri, G.Paniccia, S.Vincenzi. Riboflavin removal by commercial bentonites and charcoals in white and red wines, talian Journal of Food Science, 2021; 33 (2): 13–23.

2. Astanov S.Kh., Kasimova G.K., Sharipov M.Z. Optical systems for removal of polarization spectra.Eurasian Physical Technical Journal, 2019, Vol.16, No.2 (32), P.83-88; мақолага чет эл илмий журналлар ва китобларига ҳаволалар: Khamitov, M Kolchurina, I Kolchurina... Designing of a Laboratory Complex for Spectral Analysis of Measurement Data of Different Materials. Progress in Material Science and Engineering ISBN 978-3-030-68-103-6.AG 2021.

3. S.Kh.Astanov, G.K..Kasimova, E.N.Kurtaliev, N.N.Nizomov, A.Jumabaev. Electronic nature and structure of aggregates of riboflavin molecules. Spectrochimica Acta Part A: Molecular and Biomolecular Spectroscopy Available online 13 November 2020, 119177 мақолага 1 та чет эл илмий журналларига ҳавола: 1)Natalie G. K. Wong , Chris Rhodes, Caroline E. H. Dessent. Photodegradation of Riboflavin under Alkaline Conditions: What Can Gas-Phase Photolysis Tell Us about What Happens in Solution? Molecules 2021,26,6009.doi:10.20944/preprints202108.0307.v1

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертация ишининг натижалари 4 та халқаро конференция ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида маъруза қилинган ва муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Тадқиқот мавзуси бўйича жами 25 та илмий иш, шу жумладан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатида 15 та илмий мақола (9 та республика ва 6 та хорижий журналларда) ва 2 та монография чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 35 та расм ва 4 та жадвални ўз ичига олган ҳолда 134 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ


Диссертациянинг **“Кириш”** қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотларнинг республика фан ва техника тараққиётининг асосий устувор йўналишлари билан боғлиқлиги аниқланган, диссертация мавзуси бўйича халқаро илмий тадқиқотлар шарҳи келтирилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси, вазифа ва мақсаднинг шакллантирилганлиги, аниқланган объектлар, тадқиқот усули ва предмети, тадқиқотнинг илмий янгилиги тушунтирилган, олинган натижалар ишончилигининг асосланганлиги, уларнинг назарий ва амалий аҳамияти очилганлиги, ишнинг апробацияси ва натижаларнинг жорий қилиниши ҳақида қисқача маълумотлар ҳамда диссертациянинг тузилиши ва ҳажми келтирилган.

Диссертациянинг **“Витаминлар ва бўёқларнинг фотофизик ва фотохимёвий хоссаларига молекулалараро таъсири”** номли биринчи бобида электрон спектрларнинг, витамин препаратлари ва озик-овқат бўёқлари концентрациясига, ёруғлик ва ҳароратий таъсирларга боғлиқ ҳолда спектроскопик тадқиқотларига бағишланган адабиётлар таҳлили, молекулаларнинг эритмаларда уюшиш ва ўз-ўзи билан йиғилиш жараёнида рўй берадиган молекулалараро таъсир тадқиқотлари келтирилган. Келтирилган адабиётлар таҳлили асосида диссертация ишининг мақсади ва вазифалари белгиланган.

Диссертациянинг **“Экспериментал тадқиқот услубиятлари ва методикаси”** деб номланган иккинчи бобида ҳар хил табиатга эга бўлган эритувчилардан фойдаланган ҳолда, электрон ютилиш спектрларининг ва люминесценциясининг тадқиқотлари бўйича ёруғлик ва ҳароратий таъсирга боғлиқ ҳолда экспериментал қурилмаларнинг тавсифи ва улардан олинган натижаларнинг таҳлили келтирилган. Ютилиш спектрларини тадқиқ қилиш, компьютер техникасидан фойдаланган ҳолда автоматик режимда ўтказилган. Адсорбция спектри Spectrophotometer EMC-30PC-UV ва Specord 50 (Analytikjena, Германия) спектрофотометрида олинган, люминесценция спектри ва нурланишнинг нисбий квант чиқиши, тадқиқ қилинаётган

бирикмага уйғотувчи нур 45° бурчак остида тушадиган, иккита МДР-2 монохроматори базаси асосида яратилган қурилмада ўлчанган. Спектроскопик тадқиқотлар ҳароратга боғлиқ ҳолда Thermo Scientific SC-SW5P (Newington USA) термостат билан амалга оширилган. Тадқиқ қилинаётган эритмаларнинг фотолизи ПРК-2 лампанинг филтрланмаган нури билан, ЛП-1 қурилмада амалга оширилган. Ўз-ўзидан йиғилган заррачалар тасвирининг микроскопик сурати Motic B1-253 (Moticam 1080BMH) микроскопидан фойдаланган ҳолда ўтказилган.

Диссертациянинг учинчи боби **“Рибофлавин ва тартразин молекулалари ассоциацияларининг спектроскопияси”** га бағишланган бўлиб, эритувчиларнинг сувли ва бинар аралашмаларида номоён бўладиган ўз-ўзи билан уюшиш жараёнининг спектроскопик тадқиқотлари натижалари келтирилган. Тадқиқ қилинаётган сувли эритмада модда концентрациясини ошиши электрон ютилиш спектрларининг (1а-расм) ва люменесценциясининг жиддий деформациясига олиб келиши (1б-расм) экспериментал аниқланган. Бунда, спектр шаклининг ўзгаришсиз қолиши билан (гипохром эффект), ютилиш ва люменесцент қобилиятининг камайиши кузатиладиган. Кузатиладиган эффект рибофлавин ва тартразиннинг нурланмайдиган ассоциатларнинг ҳосил бўлиши билан тушунтирилган. Кузатиладиган гипохром эффекти модда концентрацияси ўзгармас сақланганда бинар эритувчиларини модда эрмайдиган қисмининг миқдори кўпайган ҳолатда содир бўлади.




1-расм. Рибофлавиннинг сувдаги ютилиш (а) ва флуоресценция (б) спектрларининг концентрацион боғлиқлиги: 10^{-6} (1), 10^{-5} (1¹), 5×10^{-5} (2), 10^{-4} (3), 5×10^{-4} (4), 10^{-3} (5), 5×10^{-3} М(6).


2а расмда тартразин моддасининг сув+ДМСО бинар эритувчилардаги спектрал ўзгариши келтирилган. Бундай спектрал ўзгариш сув+ДМСО,

этанол+изобутанол, этанол+хлороформ, этанол+ацетон каби бошқа эритувчиларида ҳам кузатилади.

Бу ҳодисаларни ўз-ўзи билан уюшган ассоциатлар ҳосил бўлиши билан тушунтириш мумкин ва бу хулоса рибофлавин ва тартразин молекулаларининг тегишли эритмаларида ўтказилган ҳароратий тадқиқотлари билан тасдиқланади (2б-расм). Ўтказилган тажрибалар бинар эритманинг ҳарорат даражаси 78°C ва ундан ортиқ бўлганда мономер молекулаларнинг ютилиш ва нурланиш спектри тикланади.



2-расм (а). Бинар эритувчи сув+ДМСО даги тартразиннинг концентрацияси $C=5 \cdot 10^{-6}\text{M}$ ютилиш спектрларининг сувнинг миқдорига боғлиқлиги 100% (1), 80% (2), 60% (3), 40% (4), 30% (5), 20% (6), 10% (7), 5% (8), 3% (9), 2% (10), 1% (11).




2-расм (б). Рибофлавиннинг ($2 \cdot 10^{-5}\text{M}$) 20% этанол+80% изобутанол бинар эритмасидаги ютилиш спектрининг ҳароратга боғлиқлиги (K): 293 (1); 313 (2); 323 (3); 333 (4); 338 (5); 343 (6); 348 (7).

Ютилиш спектрларининг ҳароратий ўзгаришидан молекулалар уюшмаларининг боғланиш энергиялари аниқланди. Ўтказилган ҳисоблашлар шуни кўрсатдики, ўз-ўзи билан ҳосил бўлган уюшмалар водород энергияси 5-8 ккал/моль интервалида эканлиги аниқланди, бу энергия миқдори боғланишлар энергиясига мос келади.

Витамин препарати ва бўёқнинг сувдаги нурланмайдиган уюшмаси ҳосил бўлишида сув молекуласи иккита бирлашаётган молекула учун кўприк вазифасини ўтайди, бу вақтда сувнинг ҳар иккала водород атоми ўрганилаётган моддаларнинг кислород атоми билан водород боғ ҳосил қилади.

Тажрибада ўрганилаётган моддаларнинг ўз-ўзи билан ассоциат йиғилиш жараёнининг бинар эритмаларда ҳосил бўлиш жараёнини қуйидаги мулоҳазалар билан тушунтирилади. Модда бирор эритувчида эрийдиган бўлса, ўрганилаётган модда молекулалари яхши эрийдиган эритувчининг сольват қобиғида бўлади. Аммо бинар эритувчининг эрмайдиган эритувчиси миқдори кўпайиб бориши билан бинар эритувчилар орасида водород боғланиш ҳосил бўлиб, сольват қобиғининг мустаҳкамлик даражаси камайиб бориб, изланувчи модда молекулалари сольват қобиғидан чиқиб молекулалараро таъсир кучига асосан улар бирлашади.

Иккита бинар эритувчи орасида ҳосил бўлган водород боғланиш қуйидаги схема асосида вужудга келади $R_1O...HR_2$, бу ерда R_1 ва R_2 мос равишда бинар аралашмаларининг ташкил қилувчилари. Бинар эритувчиларнинг компонентлари орасидаги водород боғланишнинг ҳосил бўлиши ярим эмперик ҳисоблашлар асосида исботланган (3-расм).



3-расм. Диоксаннинг мономер (а) ва унинг сув билан комплексларининг (б) назарий структуралари.


Ушбу тажрибалар асосида топилган водород боғланиш энергиясининг катталиги назарий ҳисоблашлар асосида топилган қийматлар билан мос келган.

Сув-диоксан молекулаларининг боғланиш энергиясини аниқлаш бўйича кванто-кимёвий ҳисоблашларнинг натижалари экспериментал ҳароратий тадқиқотлар билан қониқарли равишда бир-бирига тўғри келади.

Молекулаларнинг ўз-ўзидан йиғилиш жараёнида спектрал ўзгаришлар таҳлилидан кўринадики, барча ҳолатларда ўз-ўзи билан бирлашиб ассоциация ҳосил қилган молекулаларнинг ютилиш спектри яширинган бўлади.

Яширинган ютилиш полосаларини аниқлаш мақсадида эритмада максимал ассоциатлар ҳосил бўлган ютилиш спектрини (2б-расм, 1-эгри чизик) мономер молекулалар учун мос келувчи (1а-расм, 1-эгри чизик) ютилиш полосаси билан нормаллаштирилди. Умумий ютилиш полосасидан мономер молекулалар ҳиссасини айириб ташлаш натижасида рибофлавин молекулалари ассоциатлари полосаси, 4-расмда, 1-эгри чизикда келтирилган шкалалар частотасида олинган эди. Бу расмда ассоциатларга тегишли бўлган

қуйидаги частоталарга мос келадиган ютилиш полосаларнинг максимумлари намоён бўлади. Рибофлавин уюшмаси ютилиш спектрига қуйидаги шкалалар частотасида: $\gamma_{\max} = 22000, 28000, 35000, 38500, 48000 \text{ см}^{-1}$ полосаларнинг очикдан-очик бешта максимуми ажратилади.



4-расм. Рибофлавин ($C=2 \cdot 10^{-5} \text{ M}$) 0,2 % + 0,8% этанол+изобутонал бинар эритувчисидаги ассоциатлар ютилиш спектрларидаги (1) ҳисобланган назарий таркибий (2-7) полосалари.


Топилган максимумларга мос келувчи индивидуал полосаларнинг умумий кўриниши Аленцева-Фок усули асосида ва Гаусснинг тақсимот функциясига асосланган ҳолда назарий ҳисоблашлар орқали аниқланди.

Рибофлавин ассоциатлари полосаларининг индивидуал таркибий қисмларга бўлиниши Аленцева-Фок усули ёрдамида ҳисобланди. Бу усулнинг моҳияти шундан иборатки, ташкил қилувчиларнинг индивидуал полосаларининг шакли молекуляр спектрларнинг таркибий қисмлари Гаусс тақсимот функциясидаги кўнғироқсимонликка мос келади. Бу усулнинг бошқа ўзига хослиги шундан иборатки, уюшмалар спектрларида синиш нуқталари бўйича индивидуал полосаларнинг максимум ҳолатларига мос келади. Аленцева-Фок усули асосида аниқланган уюшмаларнинг индивидуал полосалари 4-расмда, 2-7 эгри чизиқларда келтирилган. Назарий ҳисоблашлар асосида топилган ассоциатлар ютилиш полосасининг максимуми ва спектрнинг кўриниши тажрибада олинган ассоциатларнинг чизиқли дихроизм² спектридаги катталиклари билан мос тушган.

Ўз-ўзи билан уюшган молекулаларнинг вужудга келиши учун молекулалараро таъсир кучларининг табиатини аниқлаш мақсадида яримэмперик ҳисоблашлар ёрдамида рибофлавин ва тартразин атомларида заряднинг қайта тақсимланиши натижасида, уларнинг дипол моменти қиймати ошиши моле-

² Белоруссия Фанлар Академиясининг Физика институти катта илмий ходими А. С. Прищеповга чизиқли дихроизм спектрларини олишга ёрдам бергани учун диссертант ўз миннатдочилигини изҳор этади.

кулалараро дипол-дипол таъсирдаги Ван-дер-Вальс кучлари ҳосил бўлиши аниқланди. Бинар эритувчилардан фойдаланганда вужудга келадиган диполь-диполь молекулалараро таъсири натижасида бирлашаётган молекулаларнинг электрон сатҳларининг бир вақтнинг ўзида силжиш ва резонанс бўлиниши вужудга келиб электрон соф ўтиш частотасининг ўзгаришига олиб келади (5-расм).




5-расм. Рибофлавин молекуласининг мономери (м) ва ўз-ўзи билан ассоциатга бирлашган (а) электрон ўтишлар частотасининг схематик кўриниши.


Витамин препаратининг фотолиз жараёнини сувли эритма концентрациясига ва ассоциация даражасига боғлиқлигини ўрганиш мақсадида спектроскопик тадқиқотлар ўтказилди. Рибофлавин молекуласининг концентрацияси $C=10^{-5}M$ бўлганда, улар мономер ҳолатда эканлиги аниқланган. Бундай эритмага 150 мин вақт оралиғида ёруғлик таъсири асосида ютилиш спектрининг 445 нм га мос келувчи тўлқин узунлигида интенсивликнинг камайиши билан бирга иккита изобестик нуқта

(445 ва 293 нм) пайдо бўлиши ва 350 нмда янги ютилиш полосасининг пайдо бўлишига олиб келади. Бу полоса рибофлавин молекуласининг фотолиз маҳсулоти люмихромнинг (ЛС) ютилиш полосасига мос келади.

Таркибида мономер ва ўз-ўзи билан ассоциатлашган рибофлавин молекулалари мавжуд бўлган концентрация $C=5 \cdot 10^{-5} \text{M}$ сув эритмасини фотолизи амалга оширилганда, ютилиш электрон спектрида сезиларли деформация вужудга келади. Эритмада ассоциатлашган молекулаларнинг мавжудлиги, танланган концентрация эритмасида оптик зичликнинг қиймати 10^{-5}M концентрацияга нисбатан 13% камайиши билан боғлиқ. Бундай ҳолда эритманинг 0-150 мин вақт оралиғида ёруғлик таъсир этганда 375 нм ва 445 нм тўлқин узунликларида ютилиш қобилятининг камайиши билан бирга 350 нм тўлқин узунликда янги ютилиш полосаси ҳосил бўлади. Бу ҳолда 295 нм даги изобестик нуқта сақланиб қолади.



6-расм. Рибофлавин сувли эритмасининг $C=10^{-5} \text{M}$ (а) ва $C=5 \cdot 10^{-5} \text{M}$ (б) ютилиш спектрларининг ёруғлик таъсир вақтига боғлиқлиги: 1-0, 2-30, 3-60, 4-90, 5-120, 6- 150 минут.



7-расм. Рибофлавин молекулаларининг, уларнинг ассоциатлари (а) даражасига боғлиқ ҳолда фотобарқарорлиги


Тажриба натижалари таҳлили кўрсатадики, кузатилаётган 350 нм тўлқин узунликдаги янги ютилиш полосаси люмихром молекуласининг мономериға тегишлидир. Рибофлавин мономер ва ўз-ўзи билан ассоциатлашган молекулалар мавжуд бўлган эритмаларда фотолиз жараёнининг бир хил кечишига асосан, нурланиш энергиясининг маълум қисми, рибофлавин ассоциатларининг ажралишига сарф бўлади. Кейинчалик фотолиз вақтида

мономер кўринишидаги люмихром молекулалари ҳосил бўлади ва у куйидаги схема кўринишида бўлади: $ARF \xrightarrow{h\nu} RF \xrightarrow{h\nu} LC$, бу ерда ARF-рибофлавин молекулаларининг ассоциацияси, RF-рибофлавиннинг мономер молекуласи, LC-люмихром мономер. Ўтказилган тажриба натижаларига кўра рибофлавиннинг сувдаги эритмасида $5 \cdot 10^{-5} M$ концентрацияли эритмасида молекуланинг фотобарқарорлиги $10^{-5} M$ эритмага нисбатан 13% ошганлиги аниқланди.

Витамин препаратининг фотобарқарорлик жараёни эритмада вужудга келадиган ассоциация даражасига боғлиқлигини батафсил ўрганиш мақсадида рибофлавиннинг $C=10^{-4} M$, $C=4 \cdot 10^{-4} M$ ва $C=2 \cdot 10^{-3} M$ концентрацияли сувли эритмаси батафсил ўрганилди.


7-расмдан кўринадик, фотобарқарорлик жараёни рибофлавиннинг сувли эритмаларида ҳосил бўлган ассоциация даражасига чизиқли боғланганлиги аниқланди.

Концентрация $C=4 \cdot 10^{-4} M$ ва $C=2 \cdot 10^{-3} M$ бўлган эритмаларни нурлантиришда электрон спектрларнинг деформацияси вужудга келади, унга кўра фотолиз уюшмаларининг мономер молекулаларига ва циклогидрорибофлавиннинг (СРДФ) ёки формилметильфлавиннинг (ФМФ) оралиқ ва люмихром (ЛС) охири маҳсулотига ажралиши кўрсатилган схема бўйича аниқланган.




Диссертациянинг тўртинчи боби рибофлавин ва тартазиннинг ўз-ўзи билан йиғилган молекулаларини тадқиқ қилишга бағишланган. Бу тадқиқотлар нафақат ассоциатларнинг тузилишини аниқлашнинг имконини берди, балки уларнинг шишада, микроразрачаларини олишнинг шароитини ҳам белгилади. Концентрацияси $6 \cdot 10^{-5} M$ бўлган эритманинг ютилиш спектри моноўлчамли молекулаларнинг ютиш қобилиятига тегишлилиги аниқланган. Эритма концентрациясининг $5 \cdot 10^{-5} - 10^{-3} M$ оралиқда ошиши, ютилиш спектри билан оптик зичлик қийматининг $1-x=0,1-0,41$ мос равишда камайиши гипохром эффектга олиб келади. Спектрларнинг бундай ютиш деформацияси RF молекулаларининг этанолдаги уюшиш жараёнининг пайдо бўлиши ва ривожланиши билан тушунтирилади.

Ўтказилган ҳароратий тадқиқотлар билан ассоциалашган молекулаларининг, этанол эритмасидаги боғланишлар энергияси аниқланган, у 4-5 ккаль/моль оралиқда бўлиб, бу эса водород боғланиш энергиясига мос келади. Рибофлавин молекулалари фловон (бош) ва рибитоль (думли) қисмлардан ташкил топишини ҳисобга олиб ва унинг ўз-ўзи билан уюшиши бош-дум тизимида игнасимон тузилиши водород боғланиш билан амалга ошади. Уюшмаларнинг кузатилаётган игнасимон тузилиши жараённинг бошланиш босқичида қандай бўлса, худди шундай рибофлавиннинг мураккаброқ уюшмаларида ҳам рўй беради, бу ҳол ўз-ўзи билан спиртда йиғилган молекулаларнинг микроскопик тасвири туширилиши билан тасдиқланади (8-расм).



8-расм. Рибофлавин молекулаларининг флавин ва рибитоль қисмлари орасидаги водород боғланишнинг структураси.

Рибофлавин ассоциатларининг игнасимон тузилиши ўз-ўзи билан йиғилган молекулаларнинг микроскопик тасвири билан тасдиқланади (9-расм).




9-расм. Ўз-ўзи билан йиғилган рибофлавин заррачаларининг эритма ассоциат даражасига боғлиқ ҳолдаги микроскопик тасвир кўринишлари: 1- $x=0,27$ ($5 \cdot 10^{-5}M$) (а); 1- $x=0,43$ ($10^{-4}M$) (б); 1- $x=0,57$ ($5 \cdot 10^{-4}M$) (в); 1- $x=0,73$ ($10^{-3}M$) (г) ($\Delta D \sim 1-x$)

Микроскопик тасвирлар таҳлилининг натижалари кўрсатадики, уюшиш даражасининг ошиши билан микротасвирлардаги заррачалар сони ўз-ўзи билан йиғилган игнасимон тузилишга эга бўлган молекулалар 5-7% дан 80-90% гача ўсаяпти. Бу заррачаларнинг геометрик параметрлари 8 μm дан 12 μm гача бўлган оралиқда бўлади. Ўз-ўзи билан йиғилган молекулаларнинг умумий тузилиши ҳалқасимон шаклга эга. Рибофлавин молекулаларининг игнасимон тузилиши ўз-ўзи билан йиғилишнинг уюшиш даражасига боғлиқлиги аниқланган. Коллоид эритмадан олинган ўз-ўзи билан йиғилган молекулалар, йирик игнасимон заррачаларни ўз ичига олади (9г-расм).

Тартразинни ўзи йиғилган молекулаларининг тузилиши сув+ДМСО нинг доимий концентрациясида $10^{-5}M$, бинар аралашмасининг ҳар хил нисбатларида олинган. Молекулаларни ўз-ўзидан йиғилиши учун танланган шартлар эритмадаги ассоциатлар даражасига қараб заррачаларнинг геометрик параметрларини аниқлаш имконини берди (10-расм). 10а-расмдан кўришиб турибдики, битта марказий структурадан ташкил топган, ўз-ўзидан йиғилган молекулаларнинг микроскопик тасвири ассоциатларнинг даражаси 1- $x=0,16$ бўлган эритмаларга тегишлидир. Бунда шарсимон заррачаларнинг геометрик параметрлари 0,7-1,2 μm оралиғида бўлади. Ассоциатларнинг даражаси 1- $x=0,21-0,26$ оралиғида бўлган эритмаларнинг тадқиқотлари (10б

ва 10в расм) келтирилган. Структуравий тасвирлар шарсимон шаклдаги бир хил геометрик параметрларга эга бўлган заррачаларнинг тасвиридан ташкил топади. Лекин, уюшмалар даражасининг ортиши билан, пайдо бўлган, тузилмавий майдонлар кўпаяди.

Кўриниб турибдики, тасвир майдонининг ошиши микротасвирнинг марказий қисмида ҳосил бўлган ўз-ўзи билан йиғилган молекулалар кўринишидаги бириккан молекулалар сонининг ортиши билан боғлиқ. Ассоциатларнинг ($1-x=0,35$) юқорироқ даражасидаги эритмалардан фойдаланиш шунга олиб келдики, ўз-ўзи билан йиғилган заррачаларнинг тузилиши саккиз (8) рақами кўринишидаги мураккаб тасвирга эга бўлади (10г-расм). Ўз-ўзи билан йиғилган молекулаларнинг мураккаб тузилишидан кўриниб турибдики, ўз-ўзидан йиғилган заррачалар кўринишидаги бириккан бўёқ молекулалари сонининг ўсиши билан боғлиқ.



10-расм. Ассоциация даражасига қараб, тартразин молекулаларининг ўз-ўзи билан йиғилган заррачаларининг микроскопик тасвирлари: $1-x = 0,1$ (а), $1-x = 0,21$ (б), $1-x = 0,26$ (в), $1-x = 0,35$ (г), $1-x = 0,55$ (д), $1-x = 0,60$ (е), $1-x = 0,79$ (ж), $1-x = 0,91$ (з)

10 а) ва б) расмларда тасвирларнинг микроскопик суратга олиш ассоциат даражасидаги ($1-x=0,51-0,67$) бўёқнинг эритмасидан олинган. 10 д) ва е) расмлардан кўриниб турибдики, геометрик параметрлари $0,8-2,0 \mu\text{m}$ оралиғида жойлашган ўз-ўзи билан йиғилган заррачалар шарсимон шаклга эга. Бунда бириккан заррачалар микроскопик тасвирларнинг тўлиқ майдонини эгаллаб олади. Бу тасвирнинг иккинчи ўзига хос характери шундан иборатки, ҳосил бўлган заррачалар сонининг игнасимон шаклда ориентацияланиши ортиб боради. Микроскопик тасвирларнинг умумий кўриниши халқасимон (10д-расм) ва баъзи ҳолларда эллипссимон (10е-расм) бўлиб қолади.

Ассоциация даражаси $1-x = 0,76-0,91$ (10ж ва з расмлар) эга бўлган эритмаларнинг олинган тасвирларидан келиб чиқадики, игнасимон тузилишга эга бўлган заррачалар 10е расмда келтирилган заррачалар сонига

нисбатан икки марта ортиқ. Бу ҳолда игнасимон шакл яратиш учун мўлжалланган заррачалар 60% гача кўпаймоқда. Кузатилаётган заррачаларнинг диаметрлари ва узунлиги мос ҳолда қуйидаги ораликда бўлади: $d=0,2-1,0$ $\mu\text{м}$ ва узунлиги $l=1,0-5,0$ $\mu\text{м}$. Бунда ўз-ўзи билан йиғилган молекулалар умумий тузилиши халқасимон шаклга эга бўлади.

Ассоциация даражаси $1-x=0,9$ тенг бўлган коллоид эритма заррачаларнинг микроскопик расмга туширилишининг тасвири 10 \times - расмда келтирилган. 10 \times -расмдан кўриниб турибдики, игнасимон шаклдаги заррачаларнинг геометрик параметрлари мос ҳолда қуйидаги ораликда бўлади: $d=1,0-3,0$ $\mu\text{м}$ ва $l=7,0-12,0$ $\mu\text{м}$. Яъни, 10 \times расмда кўрсатилган заррачалар параметрларига нисбатан геометрик параметрлар тахминан 2-3 марта ортади. Ўз-ўзидан йиғилган игнасимон заррачалар тасвирларининг умумий кўриниши спиралсимон шаклга тўғри келади.

ХУЛОСА

Рибофлавин ва тартразин молекулаларининг ўз-ўзи билан йиғилиш спектроскопиясини тадқиқ қилиш натижалари асосида қуйидаги хулосалар қилинди:

1. Рибофлавин ва тартразин молекулаларининг ўз-ўзи билан йиғилиш жараёни этанол ва бинар эритувчилар аралашмаларида юқори концентратсияли муайян ҳажмнинг ҳосил бўлиши билан биргаликда боради: сув+ДМСО, сув+диоксан, этанол+изобутанол, этанол+хлороформ, этанол+ацетон ва бошқа игнасимон микрзаррачалар шаклланади. Аленцева-Фок усули ва Гаусс тақсимот функцияси билан ўз-ўзи билан йиғилиш жараёнида ҳосил бўлган рибофлавин ва тартразиннинг 6 та ва 2 та индивидуал яширин ютилиш полосалари аниқланди.

2. Люминесценция ва ютилишда электрон ўтишлар эҳтимолиятининг ўзгариши, мономер молекулалар электрон сатҳларининг резонанс парчаланиши ва молекулаларнинг ўз-ўзи билан йиғилиш жараёнида силжиши сабабли полоса деформациясининг электрон табиати ўрнатилди.

3. Квант-кимёвий ҳисоблашлар шуни кўрсатдики, ўз-ўзи билан йиғилган димерлар ва рибофлавин молекуласининг мураккаброқ агрегатлари “бош-дум” йўналишига эга, яъни битта молекуланинг флавор қисми ва иккинчи молекуланинг риботор қисми кислород ва водород атомлари ўртасидаги водород боғланишнинг ҳосил бўлишида энг кичик стерик тўсиқ шаклланади. Тартразин молекулалари учун Ван-дер-Ваальс кучларининг дипол-дипол ўзаро таъсири туфайли ўз-ўзи билан йиғилиш ҳосил бўлади.

4. Рибофлавин ва тартразин молекулаларининг ўз-ўзи билан йиғилишининг микроскопик тасвирлари олинган. Ўз-ўзидан йиғилган заррачалар сони ва уларнинг геометрик параметрларининг агрегация даражасига чизиқли боғлиқлиги ўрнатилди.

5. Ўз-ўзи билан йиғилган рибофлавин молекулаларининг фотобарқарорликка эгаллиги аниқланди, бу молекулаларнинг агрегация даражасига чизиқли боғлиқлиги ва рибофлавин мономер молекулаларининг

шаклланиши учун бир қисм нурланиш энергиясининг сарфланиши билан боғлиқлиги исботланди.

6. Иккиламчи буғдой хом ашёсини қайта ишлаш технологик жараёнида рибофлавин молекуласини маълум концентрацияли сув эритмасини киритиш натижасида стабиллашган ва биологик фаол моддаларга бой бўлган тайёр маҳсулотлар олишга эришилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.03/30.12.2019.FM.02.04 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ
САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ**

БУХАРСКИЙ ИНЖЕНЕРНО-ТЕХНОЛОГИЧЕСКИЙ ИНСТИТУТ

КАСИМОВА ГУЗАЛ КАРИМОВНА

**СПЕКТРОСКОПИЯ САМОСБОРКИ МОЛЕКУЛ РИБОФЛАВИНА И
ТАРТРАЗИНА**

01.04.05 – Оптика

**АВТОРЕФЕРАТ
диссертации доктора философии (PhD) по физико-математическим наукам**

Бухара - 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2019.2.PhD/FM358 В2021.1.PhD/FM358 В2021.3.PhD /FM358.

Диссертация выполнена в Бухарском инженерно-технологическом институте.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и на информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель: **Астанов Солих Хусенович**
доктор физико-математических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Муродов Гуломхон**
доцент, кандидат физико-математических наук,
Рахматуллаев Иляс Арзимуродович
доцент, доктор физико-математических наук

Ведущая организация: **Каршинский государственный университет**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2021 г. в ____ часов на заседании ученого совета PhD.03/30.12.2019.FM.02.04 при Самаркандском государственном университете. (Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский проспект, 15. Тел.: (99866) 239-13-87, 239-11-40; факс: (99866) 239-11-40; e-mail: rektor@samdu.uz Самаркандский государственный университет, Физический факультет, 1-этаж, 63-аудитория).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета (зарегистрирована под №__). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский проспект, 15. Тел.: (99866) 239-13-87, 239-11-40; факс: (99866) 239-11-40.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2021 г.
(Протокол рассылки №__ от «__» _____ 2021 г.)

М.Х.Ашуров

Председатель научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.ф.-м.н., академик

Р.М.Ражабов

Ученый секретарь научного совета
по присуждению ученых степеней,
к.ф.-м.н., доцент

Д.И.Семенов

Председатель научного семинара
при научном совете по присуждению
ученых степеней, д.ф.-м.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация к диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Исследования, проводимые в мире в последние годы, связаны с выявлением условий формирования самособранных молекул с последующим получением микрочастиц. Изучение межмолекулярных взаимодействий (ММВ) на основе проведённых экспериментальных и теоретических расчётов способствовало получению гибридных микроструктур полупроводников с органическими красителями. Использование методов молекулярной спектроскопии способствует получению дефицитных новых фотосинтетических пигментов. Создание новых лекарственных форм на основе витамина В₂ и тартразина требует проведения дальнейших исследований по спектроскопическому исследованию самособранных молекул рибофлавина и тартразина.

Результаты многочисленных исследований, проводимых в мире, свидетельствуют, что проявляющиеся ММВ в виде Ван-дер-ваальсовых сил и водородных связей, образующихся между объединившимися молекулами, широко распространены как в природе, так и во многих биохимических процессах. Проведение этих исследований позволяет выявить связь спектрально-оптических свойств спектров со структурой самособранных частиц. Данные методы исследования обладают высокой чувствительностью по обнаружению тонких деталей оптических электронных переходов. В результате этих исследований могут быть сформированы самособранные частицы, микроскопические изображения структуры, которых зависят от степени ассоциации в растворах.

В нашей стране, также уделяется большое внимание исследованиям самосборки молекул в бинарных растворителях с получением микрочастиц, объединяющихся в виде концентрических колец, либо имеющих эллипсообразную форму. Актуальными являются научные исследования, посвящённые самоагрегации молекул сквариновых и натуральных красителей. Важными являются исследования, посвящённые решению фундаментальных задач имеющих практическое применение, в соответствии с требованиями, предусмотренными в концепции развития науки Республики Узбекистан¹ до 2030 года, представляющих большое значение для успешного развития науки и техники в нашей стране. Полученные результаты научных исследований способствуют разработке новых материалов для биомедицины и фармацевтики, имеющих геометрические параметры микрочастиц.

Представленная диссертационная работа, в определенной степени служит выполнением задач, предусмотренных Указом Президента № ПП-2789 «О мерах по дальнейшему совершенствованию деятельности Академии наук, организации, управления и финансирования научно-исследовательской деятельности» от 17 февраля 2017 года, № УП-5847 «Об утверждении концепции развития системы высшего образования Республики Узбекистан

¹ Концепции развития науки до 2030 года // Приложение № 1 к Указу Президента Республики Узбекистан от 29 октября 2021 года № УП-6097, п. 3.2.

до 2030 года» от 8 октября 2019 года и Постановлениями Президента № ПП-5032 «О мерах по повышению качества образования и совершенствованию научных исследований в области физики» от 19 марта 2021 года, а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологий в республике. Диссертация выполнена в рамках приоритетных направлений развития науки и технологий Республики Узбекистан – II. «Физика, астрономия, энергетика и машиностроение».

Степень изученности проблемы. В последние годы зарубежными исследователями К.С.Когеловым, В.И.Родульгиным, М.В.Алфимовым, П.В.Лебедев-Степановым (ИФХРАН), В.А. Блатовым, Г. Д. Илюшиным (Самарский институт) разработаны теоретические аспекты и получены экспериментальные результаты по созданию метода самосборки молекул. Учёными Института физики-химии РАН Л.М. Николенко, С.Б.Бричкиным, и др. исследованы самособранные гибридные наноструктуры полупроводника с J-агрегатами цианинового красителя, в результате чего было получено усиление электропроводности полупроводника. Китайскими учёными J.X.Chen, L.Liu, R.Liu, C.Zhang, Z.Hu исследованы самособранные пептиды, которые используются для улучшения иммунной системы и для доставки лекарства в виде нанотрубки.

Учёными института физики Академии наук Белоруссии и Украины Г.П.Гуриновичем и А.А.Ищенко получены самоагрегации молекул хлорофилов, порфиринов, а также полиметиловых красителей и определены методы их стабилизации. Группой ученых из Анкары под руководством Э. Айтекин получен солевой комплекс, который используется для транспортировки в роговицу глаз.

Пакистанскими учеными М.Шероз, И.Ахмад и другими изучаются процессы образования и стабилизации молекул рибофлавина, на основе которых получены различные медпрепараты.

Дальнейшее развитие экспериментальных работ в сфере получения самособранных частиц было положено узбекскими учёными А.М.Каххаровым, С.А.Бахрамовым (ИИПиЛТ) и др., исследована самоорганизация молекул фуллерена (C_{60}) в бинарной смеси этанол+бензол. Учёными Самаркандского государственного университета Н.Н.Низомовым, Э.Н.Курталиевым, Л.М.Собировым, Д.И.Семеновым, А.Жумабаевым, С.Х.Астановым и др. в изучены процессы ассоциации органических, пищевых красителей и ароматических соединений в растворах.

Из проведённого литературного обзора следует, что процесс самосборки и фотостабильность витаминных препаратов и пищевых красителей частиц в зависимости от степени ассоциированности молекул недостаточно изучен.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего учебного заведения, где выполнена диссертация. Диссертация выполнена в соответствии с планом научно-исследовательской работы Бухарского инженерно-технологического института по темам: ЁА-2-1

“Исследование фазовых переходов и магнито-оптических свойств феррит-гранатов с учетом ориентационного взаимодействия” (2017-2018 гг.), ОТ-А4-07 “Разработка ресурсосберегающей технологий переработки бахчевых культур с получением новых экспортоспособных продуктов” (2017-2018 гг.) и ОТ-Ф2-64 “Флуктуационные и параметрические явления в конденсированных и наноразмерных системах” (2017-2020 гг.) реализованных в рамках практических и фундаментальных проектов.

Цель исследования: Микроскопическими и спектрально-оптическими методами исследования выявило условия образования самособранных молекул рибофлавина и тартразина в зависимости от природы используемых растворителей, концентрации и температуры, осуществить формирование процесса самосборки молекул и определить их структуру, геометрические параметры и фотостабильность в зависимости от степени ассоциации самособранных молекул .

